
Рамазон ҳайити намози ўқилиши муносабати билан Ўзбекистон туманидаги айрим кўчаларда транспорт воситалари ҳаракати вақтинча чекланади

Эртага, **10 апрел куни** Ўзбекистон туманидаги **6 та жоме масжидида Рамазон ҳайити намози ўқилади.**

Шу муносабат билан шу куни **соат 02:00 дан 08:00 гача** туманнинг айрим кўчаларида автотранспорт воситаларининг ҳаракати вақтинча тўхтатилади.

Оқтепа МФЙ, “Оқтепа” масжиди олдидаги Алишер Навоий шоҳкўчасининг маълум қисми

Бозор Яйпан МФЙ, “Ҳожи Юсуф” масжиди олдидаги кўчаларнинг маълум қисми

Даштқўлпон МФЙ, “Имом Жафар” масжиди олдидаги кўчаларнинг маълум қисми

Кичик Оқмачит МФЙ, “Оқмачит” масжиди олдидаги кўчаларнинг маълум қисми

Катта Тағоб МФЙ, “Абу Мусо Ал-Ашарий” масжиди олдидаги кўчаларнинг маълум қисми

Ислом МФЙ, “Фажрул Ислом” масжиди олдидаги Ибн Сино шоҳкўчасининг маълум қисми

2024-04-09 10:17:49